

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 3 сентябрь, чоршанба

№72 (11.563)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

**Ҳ.С.Караматовни Ўзбекистон Республикасининг
Франция Республикасидаги Фавқулода ва
мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида**

Ҳамидулла Садуллаевич Караматов Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулода ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 2 сентябрь.

Янги ўқув йили бошланди

ИЛК ҚЎНФИРОҚЛАР ЧАЛИНДИ

**Биринчи қўнғироқларнинг янграк садолари борлиқни
тутиб, ҳаммамнинг юракларини орқитириб ўтди. Мак-
таблар, лицейлар, коллежлар, ўрта махсус ва олий ўқув
органларида минг-минглаб ўғил-қизларимиз билимлар
оламига навбатдаги сафарларини бошлади. 48800
кичикинтой илм даргоҳига илк қадамларини қўйди.
Кичикувчанлик, ғайрат, шижоат, интилиш билимларни
пухта эгаллашда уларга қанот бўлган.**

Бекобод шаҳрида шундай
кичикинтойлардан бири —
Акримжон Умархўжаев
ҳақида ўқитувчи Маиса
Неъматовадан шундай фикр
эшитдик:

— Мантиқли фикрлайди,
ниҳоятда зуқко.
— Устоз Сурайё Оқилова,
Севиш Конева, Шахбоз
Махмудов, Зениф Кочелар
каби шогирдларининг икти-
д-рлари ҳақида ҳам айни
шундай мулоҳазаларни ай-
тди.

Бекобод шаҳридаги 16-
мактабда ҳам янги ўқув йили
кўтаринки руҳда бошланди.
Эрта тонгдан бу илм даргоҳи
бағрига интилган неча юз-
лаб ўқувчиларни бўёқлари
ярқираб турган математика,
тарих, она тили ва адабиёти,
яна бошқа ўқув хонала-
ри ўз бағрига олди. Ўқув
йили арафасида бу мактаб-
да «Маънавият ва маърифат»,
«Мониторинг», «Услубиёт»
каби хоналар ташкил эти-
либ, ҳомий ташкилотлар
уларни икки миллион сўмлик
замонавий мебеллар билан
жиҳозланишига ёрдам
кўрсатди.

— Мактабимизнинг ички ва
ташки қисмлари, «Светофор»
зали тулик таъмирдан чиқари-
лишига «Ўзметкомбинат»
акциядорлик-ишлаб чиқариш
бирлашмаси ва ота-оналар
катта қўмак кўрсатишди, —
деди мактаб директори Ор-
тижон Маърупова. — Педа-
гогик жамоамиз ақдан етуқ,
жисмонан бақувват, руҳан
соғлом навқирон авлодни
тарбиялаш учун шарт-шаро-
ит яратилишига ҳисса
қўшаётган барча ҳомийларга
миннатдорчилик билдиради.
Улар спорт залимизни мукам-
мал таъмирдан чиқаришди.

...Директорнинг хурсанд
бўлганича бор. «Ўзметкомби-
нат» филиал мактабга кўрсатаёт-
ган ёрдами бекиёс. Корхона

Журабек МУРОДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

**Поштақимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат
боғида Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағиш-
лаб «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзюда байрам танта-
налари бўлиб ўтди. Таъбир Республика Байнамилал
маданият маркази томонидан ташкил этилди.**

Мамлакатимизда турли
миллат вакиллариининг ҳам-
кор ва ҳамнафас бўлиб
яшаётгани ҳамда меҳнат
қилаётгани эмин-эркин ва
тотув яшашнинг нодир тим-
соли ва турли эътиқоддаги
барча фуқароларга нисбатан
барикенглигининг яққол на-
мунасида. Бугунги кунда
юртимизда 130 дан зиёд
турли миллат ва элат вакил-
лари истиқомат қилади.
Улар, тили ва динидан қатъи
назар, шу азиз заминни ўзи-
нинг сеvimли Ватани, юрти-
миздаги тинч ва осуда ҳаёт-
ни эса энг олий неъмат деб
билиди.

Мамлакатимизда амалга
оширилаётган буюк бунёд-
корлик ишлари, иқтисодиёт-

нинг турли жабхаларида эри-
шилаётган салмоқли
йўтуқларда барча миллат ва-
киллариининг муносиб улуши
бор. Эеро, миллий истиқлол
ғоясининг бош мақсади ҳам
юрт тинчлиги, халқ фаровон-
лиги, миллатлараро аҳиллик-
ни таъминлашдан иборат-
дир. Уларнинг тинч, фаро-
вод, эркин яшаб, меҳнат ва
иход қилишлари учун барча
шароит яратилган.

Халқ сайлига айланиб
кетган тадбирда «Камалак»,
«Калинушка», «Зажеве»,
«Арцах», «Гулоийм» каби
бадий ҳаваскорлик жамоа-
ларининг чиқишлари байрам
иштирокчиларига гоят ман-
зур бўлди.

Ў.А.

**Дунёда қанча миллат, халқ, элат бўлса, барчасининг ўзига
враша қутлуғ ва шукўхли байрамлари бўлади. Улар ўз
байрамини муносиб равишда қутиб олишни, дунё ахли
томонидан эъозланишни истаиди, шунга ҳаракат қилади.
Неча-неча асрлар эмин-эркин яшаб, ўз ҳаётини азалий
қадриятлар асосида ташкил этиш орзусида бўлган ўзбек
халқи Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини
муносиб қутиб олди.**

Маълумки, мустақиллик
кунини энг улуг, энг азиз бай-
рам сифатида ҳар биримиз-
нинг ҳаётимизга аллақачон
сингишиб кетди. Уни кўнгли-
мизга тугиб қўйган энг қут-
луғ орзу-умидларимиз билан
боғлаймиз, ҳар йили интиқ
бўлиб кутамиз.

Бу йил ҳам шундай бўлди.
Мамлакатимиз халқлари,
олис-яқин хориждаги дўста-
римиз бу қутлуғ байрамни ўн
иккинчи мартаба тантанавор
нишонлашди. Шу кунни бутун
Ўзбекистон шаҳарлари кат-
та-кичик майдонлар, соя-сал-
кин хиёбонлар, истироҳат
боғлари, ўйингоҳлар катта
бир тўйхонага айланди.

Эрта тонгдан бошланган
сайлар ярим тунгача давом
этди. Очик сахналарда мам-
лакатимизнинг доврўгли
санъаткорлари она-Ватан,
уянинг мустақиллигини улуг-
ловчи қўшиқларни ижро
этишди. Театрлаштирилган

томошалар халқ кўзи ўнги-
да истиқлол яловбардорла-
ри ҳаёти ва курашини, мус-
тақил дйримизнинг шаҳ-
дам одимларини гавдалан-
тирди.

Истиқлолимизнинг ўн
икки йиллик байрами бек-
ободликлар учун ҳам ри-
вожланиш, юксалиш сама-
раларининг ўзига хос сар-

ҳисобига айланди. Байрам
тантаналарида 19 минг
киши иштирок этди. Ша-
ҳарнинг 11-дахасига
қарашли Мухамедов номли
майдонда бошланган бай-
рам тантаналари «Кўёшча»,
Гагарин номли, Ҳафиз Га-
ниев номли маданият ва
истироҳат боғларида давом
этди. Шуниси диққатга са-

дириш мураккаб, албатта.
«Заркентлик қаҳрамон» фильмида
имкон қадар Тожибой Ризаев сиймо-
сини тўлароқ ёритишга ҳаракат
қилинган. У яратган боғлар, ҳар боши
яшиқларга сизгайдиган 10
килограммлик узумларини, бошогини
кўтаролмай бош этган галлалари, энг
муҳими кишлоқдошлари ва уларнинг
фарзандлари учун қилаётган хайрли
ишларини кўрганнингда кўз олдинда
ҳақиқий қаҳрамон сиймоси гавдала-
нади.

Бунга яна бир жонли мисол. Исти-
қлолимизнинг 12 йиллиги арафаси-
да Заркентда яна бир мактаб биноси
фойдаланишга топширилди. 1 сен-
тябрь кун болаларга ўз эшигини оч-
ган бу билим даргоҳини ҳам ҳўжалиқ
тўлиқ ўз ҳисобидан бунёд этиб, жи-
ҳозлади.

Рашид ЕҚУБЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: ҳўжалиқ ҳисобидан
қўриб битказилган умумтаълим мак-
табининг янги биноси; Ўзбекистон Қа-
ҳрамони, «Заркент» ширкат ҳўжалиқи
раиси Тожибой Ризаев ўқувчиларга
ўқув қўроларидан иборат байрам сов-
галарини топширмоқда.

**Зийвуддин ХОЛИҚОВ олган
суратлар.**

ВИЛОЯТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

шаҳар ва қишлоқларимизда Ўзбекистон
мустақиллигининг 12 йиллиги кўтаринки
руҳ билан нишонланмоқда

томошалар халқ кўзи ўнги-
да истиқлол яловбардорла-
ри ҳаёти ва курашини, мус-
тақил дйримизнинг шаҳ-
дам одимларини гавдалан-
тирди.

Истиқлолимизнинг ўн
икки йиллик байрами бек-
ободликлар учун ҳам ри-
вожланиш, юксалиш сама-
раларининг ўзига хос сар-

ҳисобига айланди. Байрам
тантаналарида 19 минг
киши иштирок этди. Ша-
ҳарнинг 11-дахасига
қарашли Мухамедов номли
майдонда бошланган бай-
рам тантаналари «Кўёшча»,
Гагарин номли, Ҳафиз Га-
ниев номли маданият ва
истироҳат боғларида давом
этди. Шуниси диққатга са-

(Давоми 2-бетда).

ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

**«Ўзбектеелефильм» студияси ижод-
корлари мустақилликнинг ўн икки
йиллигига бағишлаб, ҳар бир вилоят
ҳақида публицистик фильмлар ярат-
дилар. Мазкур телеасарларда вило-
ятларнинг ўзига хос жиҳатлари,
ютуқлари, мустақиллик йилларидаги
одимлари ҳақида ҳикоя қилинади.**

Тошкент вилояти ҳақида «Гўзал
бир воҳа» номли фильм яратилди.
Бундан ташқари, замонамиз қаҳра-
монлари ҳақидаги фильмлар орасида
паркентлик тажрибали боғбон, ажой-
иб инсон, Ўзбекистон Қаҳрамони То-
жибой Ризаев ҳаёти ва фаолияти
ҳақидаги фильм ўзининг сермазмун-
лиги, ибратомузиги билан ажралиб
туради.



— Фильмени «Заркентлик қаҳрамон»
дея номлади, — деди фильм муал-
лифи Ғайрат Раҳматуллаев. — Авва-
лига қаҳрамонимиз Тожибой ота Ри-
заев ҳақида умуман бошқача тасав-
вурда эдим. Бу киши қарийб 50 йил-
га яқин Заркент ширкат ҳўжалигига
раҳбарлик қилганига қарамай, содда-
лиги ва камтарлигини йўқотмаган. Ко-
лаверса, мустақиллик йилларида
амалга оширган ишлари ҳақиқий
қаҳрамонга хос. Эътибор беринг-а,
2002 йилда ҳўжалиқда 272 миллион
сўм соф фойда олинган бўлса, бу-
гунги кунда бу рақам 301 миллионга



етган. Бундан ташқари, хайрли
амаллар Тожибой отанинг севган
иши. Кишлоқдаги 460 ўринли мак-
таб ҳўжалиқ ҳисобидан қўриб бит-
казилди. Шунингдек, кишлоқ ши-
фонасида аҳоли томонидан озик-
овқат учун тўланадиган ҳақнинг 50
фоизи ҳўжалиқ ҳисобидан қопла-
нар экан. Шифокорларнинг ҳар би-
рига 7 минг сўмдан қўшимча ҳақ
ҳам тўлаб борилди. Бу ишлар То-
жибой отанинг дарёдан томчи де-
гулик ишлари. Раиснинг ўтган умри
ва раҳбарлик йилларидаги қилган
эзгу ишларини бир фильмга сиз-

дириш мураккаб, албатта.
«Заркентлик қаҳрамон» фильмида
имкон қадар Тожибой Ризаев сиймо-
сини тўлароқ ёритишга ҳаракат
қилинган. У яратган боғлар, ҳар боши
яшиқларга сизгайдиган 10
килограммлик узумларини, бошогини
кўтаролмай бош этган галлалари, энг
муҳими кишлоқдошлари ва уларнинг
фарзандлари учун қилаётган хайрли
ишларини кўрганнингда кўз олдинда
ҳақиқий қаҳрамон сиймоси гавдала-
нади.

Бунга яна бир жонли мисол. Исти-
қлолимизнинг 12 йиллиги арафаси-
да Заркентда яна бир мактаб биноси
фойдаланишга топширилди. 1 сен-
тябрь кун болаларга ўз эшигини оч-
ган бу билим даргоҳини ҳам ҳўжалиқ
тўлиқ ўз ҳисобидан бунёд этиб, жи-
ҳозлади.

Рашид ЕҚУБЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: ҳўжалиқ ҳисобидан
қўриб битказилган умумтаълим мак-
табининг янги биноси; Ўзбекистон Қа-
ҳрамони, «Заркент» ширкат ҳўжалиқи
раиси Тожибой Ризаев ўқувчиларга
ўқув қўроларидан иборат байрам сов-
галарини топширмоқда.

**Зийвуддин ХОЛИҚОВ олган
суратлар.**

Шукрона

МЕН ҲАМ КИЧИК КАРВОНМАН

**Мен Мустақиллик билан тендошгина эмас, Ҳасан-Ҳусан-
ман десам ҳам бўлаверди. Фикрмини изохлаш учун яқин
ўтмишга «лирик чекиниш» қилишга тўғри келади. Қолҳозда
боши бугалтер бўлиб ишлардим. Ҳўжалигимиз илғорлардан
эди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган бемаъни гаплар
пайдо бўлди-ю, рамзий маънода айтганда, тинч-осойишта
меҳнат ва турмушимизга «хўлу қуруқ» ўт кетди. Кўнглимиз
қатори мен ҳам «емаган сомсага нул тўлашим»га тўғри
келди. Аллоҳга шукрки, шу пайтда истиқлол шамоллари
эсиб, айбис-айбдорларнинг иши ўнганди. Ҳақиқат бироз
эгилди-ю, синмади. Адолат қарор топди. Барча беғноҳ
жабрланганлар қатори окландим. Бошидан кечган ўша
қора кунларда озодлик, эркинлик, мустақиллик инсон учун
энг олий неъмат эканлигини қоракдан ҳис қилгандим. Шу
боис фермерликни иштиёр этдим. Тўғрироғи, битта брига-
дани қабул қилиб олиб, авазлар билан келишган ҳолда уни
фермер ҳўжалигига айлантирдим. Яхши ният билан уни
«Камолот» деб атадик.**

Мана, ўн икки йилдир-
ки, 35 оила азёоси бўлган
67 киши билан 105 гектар
ерда эмин-эркин меҳнат
қилиб келяпмиз. Ҳар йили
45-48 гектар майдонда
галла етиштиряпмиз.
Ҳосилдорлик 50 центнер-
дан кам бўлмайди. Дав-
латга топширилганидан
қолган галланинг 90 фо-
изи 67 кишига тарқатила-
ди. Бундан ташқари, ер
галладан бўшани билан
такрорий экин экиб, да-
ромадларини қори-хайр-
ларига яратишди.

Пахта ни ҳам 50 гектар-
дан кам экамийдиз. Ҳосил-
дорлик муқим — 30-32
центнер. 80 фоиз қўсақ
очилганда теримни бош-
лаймиз. Икки теримдаёқ
ҳосилни саранжомлаб,
фақат юқори навларга
ўтказамиз. Натигада те-
римда сарфлаган ортықча
пулимиз 4-5 ҳисса бўлиб
қайтиб келади.

Аъзоларимизнинг ўрта-
ча ойлик маошлари 35
минг сўм. Бу ҳар ойда
канда қилмай олиб тура-
диган нақд пуллари. Бун-
дан ташқари, муқофот,
ўзларига қоладиган галла,
топширилган пахта ҳис-
обидан олиннадиган пахта
ёғи, шрот, шелуха деган-
дек, ҳаммасини қўшиб
ҳисобласа, умумий даро-

мадлари икки ҳисса
юқори бўлади.
Ростини айтсам, фер-
мерлик орқасидан катта
даромад олиб, бой-бадав-
лат яшаётганимдан эмас,
балки эмин-эркин меҳна-
тим рўёбга чиқайтганидан,
чинакам қадр-қиммат то-
пиб, эл-юрт қорига яраёт-
ганимдан хурсандман. Да-
ромадимиздан Ачамайли
кишлоғига қўшимча 4,5
километри газ кувурлари
тортиди. 60 миллион сўм
сарфлаб, «Тожимаҳал» ма-
шини хизмат мажмуини
қўриб ишга туширдик.
Йўқ, Ҳиндистондаги маш-
хур тарихий қошонога тақ-
лид қилмадим. Раҳматли
онам Тожия аянинг (охи-
ратлари обод бўлсин) пок
руҳларини шод қилиш ни-
ятада шундай ном бер-
дим. Эеро, бу мажмуада
кўплаб хайрли тадбирлар
бўлади. Хусусан, тўй-маъ-
рака ўтказувчилар учун
ижара ҳақи жуда арзон.
Қўли калтароқ ҳамшилоқ-
ларимиз учун эса, умуман
текин. Ҳатто, ёрдам ҳам
берамиз.

Кишлоғимизда шахсий
машиналарга техник хиз-
мат кўрсатадиган устоа-
на йўқ. Одамлар туман
марказига қатнайди. Шунини
(Давоми 2-бетда).

ТАЛАБАЛИК БАХТИ

**Ангрндаги вилоят Давлат педагогика институтида
янги ўқув йилига умумий қабулдан 1140 даввогар йиғит-
қиз муваффақиятли ўтиб, тахсил олишга киришди.
Улардан 424 нафари давлат грантлари, 700 дан зиёд
йиғит-қиз тўлов-шартномаси асосларида расмийлаш-
тирилди.**

Сиртки бўлимнинг ҳуқуқ, жисмоний тарбия ва жис-
моний маданият, инглиз тили, бошланғич таълим ва
тарбия йўналишларида танлов, айнисса, катта бўлди.
Ўтиш бали 121-138 ни ташкил этди. Демак, ўқишга
юқори иқтидорли ёшлар қабул қилинди.
Талабалик бахти муборақ, йиғит-қизлар!

Ўз мухбиримиз.

«ЕНГРАНГ» ЁРДАМИ

**Оққўрғон туманининг «Хонка»
ширкат ҳўжалигига «Енгранг»
халқаро инсонпарварлик ёрдами
жамғармаси томонидан хайрия
тадбири ташкил этилди.**

Уч кун давомида 200 нафар қишлоқ
одамлари малакали шифокор ва ҳам-
ширалар тиббий куригидан ўтиб, ўз
хасталиқларига таъдор олишди. Бун-
дан ташқари, 250 нафар болакайга
қийим-кечаклар, мактаб ўқув-қурол-
лари тақдим этилди. Кам таъминланган
жами 50 хонадонга 9 турдаги озик-
овқат махсулотлари топширилди.
Ўз мухбиримиз.

ЕТТИ МАҲАЛЛА ИШТИРОКИДА

**Янгийўл туманининг «Ниёзбош» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди-
да 7 та маҳалла бўлиб, у ерда 30 мингга яқин аҳоли истиқомат
қилади. Бу йил улар 1 сентябрь кунини ўзига хос тарзда қутиб
олиш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказишди.**

Жумладан, қишлоқ қизлари
ўртасида маҳаллалараро кўрик-
танлов ташкил этилди. Ушбу тан-
ловда иштирок этган 8 нафар
қиздан «Иттифок» маҳалласи-
нинг вакили Феруза Рихсибое-
ва биринчи ўринни қўлга кирит-

ди. «Тадбиркорлик — давр та-
лаби» широри остида хунар-
манд ва чеварлар ўз маҳорат-
лари буйича куч синишишди.
Танловнинг барча шартлари-
ни дохирона ҳаракат қилган,
шунга яраша қўли бандан кел-

ган Саида Деҳқонова ва Камо-
ла Раҳмоновалар бирваракайи-
га биринчи ўрин соҳибларига
айланишди.
Маҳаллалар ўртасида ташкил
этилган «Менинг маҳаллам» кўри-
ги ҳам мухлислар томонидан
яқши қутиб олинди. Унда «Гулис-
тон» маҳалласи шохсупанинг би-
ринчи ўрнидан жой эгаллади.
Спортнинг миллий кураш
тури буйича мусобақада эса

«Маданият» маҳалласининг
полвони бўлиш Рустам Нор-
мирзаевнинг елкасини ҳеч
ким ерга теккиза олмади.
Баскетбол беллашувларида
«Гулбоғ», футбол ўйинларида
«Гулистон» маҳалласи жамоа-
си ўз фаоллигини намойиш
эта олди.

Ушбу тадбирларга жами
300 дан ортық йиғит-қизлар
жалб этилди. Барча қатнаш-
чиларга «Ниёзбош» қишлоқ
фуқаролар йиғини томонидан
қимматбаҳо совғалар тақдим
этилди.
Хуриша МУМИНОВА.

ВИЛОЯТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

шаҳар ва қишлоқларимизда Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги кўтаринки руҳ билан нишонланмоқда

Байрам куни парктентликлар учун ҳам ҳақиқий халқ сайли бўлди. Туман марказида уюштирилган тадбирда 11 ҳўжалиқдан 27 мингдан зиёд киши иштирок этди. Тантаналарда «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида қатнашиб, голибликни кўлга киритган ёш спортчилар ҳам тақдирландилар. Шунингдек, туманда бўлиб ўтган «Обод маҳалла» кўрик-танлови якуновчи босқичининг ҳам голиблари аниқланди. Унга кўра Заркент қишлоқ фуқаролар йиғини биринчи, Сўқоқ қишлоқ фуқаролар йиғини иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин эса «Истиқлол» маҳалласига насиб этди.

Шу куни туманда қатор иншоотларнинг очилиш маросимлари ҳам бўлиб ўтди. 14-мактабнинг янги биноси, «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлими ва «Оналар ва болалар» соғломлаштириш маркази иш бошлади.

Юқоричирикликлар мустақиллигимизнинг 12 йиллигини ўзига хос тарзда нишонладилар. Янгибозор маданият ва истироҳат боғида 20 минг нафардан зиёд турли миллат вакиллари жамулам бўлишди. Утовлар тикилди, дўмбиралар чертилди, дошқозонларда ош дамланди, бир неча тилда кўшиқлар янгради.

Байрам куни туманининг тўртта қишлоғида янги спорт майдончалари болаларни ўз бағрига олди. Шунингдек, Янгибозорда бирийўла спортнинг 12 тури билан шуғулланиш имкониятини берадиган спорт мажмуаси ҳам ишга тушди. Айниқса, Наврўз қишлоғидаги гишт заводининг фаолият бошлаши барчани қувонтирди.

Кўйичирик туманида байрам тадбирлари деҳқон бозорининг очилиши билан бошланди. Халққа ош тортилди. Шундан сўнг марказий ўйингоҳда асосий байрам тадбирлари давом этди. Жойларда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. Бундан ташқари 20 дан зиёд янги ва таъмирдан чиқарилган савдо дўконлари хариддорларга хизмат қила бошлади.

Шу куни ёшларнинг севимли санъаткори Анвар Санаевнинг катта концерт дастури кўйичирикликларга муносиб байрам тўҳфаси бўлди.

Эрта тонгдан Қибрай туманининг қишлоқлари ҳам байрам тусини олди. Шодиёна куни туман аҳли қатор тадбирлар гувоҳига айланди. Жумладан, Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга кўшаётган ҳиссалари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик самаралар ва фидокорона меҳнатлари, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги фаолликлари учун туман ҳокими Саидхўжа Тошхўжаев, Тошкент электр станцияси чилангари Омонулла Хусановлар байрам қаҳрамонига айланди. Мустақиллик куни туғилган 14 нафар жажжи кичкинтойларнинг мучал тўйлари кўтаринки кайфиятда ўтказилишига эришилди. «Ибратли оила» кўрик-танловининг туман босқичи голиби бўлган байтқўргонлик Жўраевлар оиласи шу куни қимматбоҳ соғва ва табриклардан бебахра қолишмади. Турли касб эгалари томонидан намойиш этилган маҳсулотларни кўргазмаси, арзонлаштирилган савдо расталари халқ хизматида бўлди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар мутасаддиларнинг эътиборидан четда қолишмади. Республика полиомиелит шифохонаси, Вилоят болалар уйи, 2-сил касалликлари шифохонаси, Болалар ортопедия маркази, 77-маҳсус интернатларга турли соғва-саломлар топширилди. Билим даргоҳлари — мактаблар спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Охангарон туман марказида бошланган байрам тадбири кун бўйи барча ҳўжалиқлар ва маҳаллаларда давом этди.

Байрам арафасида туманда 4 та янги иншоот фойдаланишга топширилди. Азим ота маҳалласида чойхона, дўкон, маиший хизмат мажмуидан ташкил топган маҳалла гузари аҳолига ҳадя этилди. Тошкент-Ангрэн йўлида қатновчи йўловчиларга эса яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда автомобильларга ёниги қўйиш шахобчаси ишга туширилди. Шулар қаторида Кизилтоғда чойхона, Четсув қишлоғида ишга туширилган дўкон маҳалла ва қишлоқлар кўйиш вақтида очиб юборди. Шу куни туман марказий маданият уйи бадий ҳаваскорлик дасталарининг байрам дастури кечгача давом этди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақилликнинг ўн икки йиллиги байрами арафасида Бекобод тумани маркази — Зафар кўргонининг кўчалари, хиёбонлари ва оромгоҳлари ораста қилинди. Шунини диққатга сазоворки, туманда кўпга янги қурилиш иншоотлари фойдаланишга топширилди, кенг қўламадаги ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.



Марказий ўйингоҳда байрам сайли жуда барвақт бошланди. Шу куни 200 дан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари учун жой ҳозирланди. Улардан 20 кишига туман ҳокимлиги номидан тўн кийдирилди. Байрам куни савдо ярмаркалари ташкил этилди, қишлоқ ҳўжалик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда бекободликларга тўхфа этилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Зиқир Муҳаммаджонров бошчилигидаги Ўзбек Академик Миллий театри санъаткорлари, ҳушвоз хонандалар Озода Нурсаидова ҳамда Султонпошша Удаевлар бекободлик пахтакорларга, галлакорларга, сазбавоткорларга маданий хизмат кўрсатдилар. Ёшлар ўртасида спорт мусобақалари, очик саҳналарда куй-кўшиқлар ва рақслар давом этди.

КўНГЛИМИЗ МУЛКИДАДИР

*Ун икки кунлик ойдайн,
Ун икки юлдуздайн,
Ун икки томир отиб
Ун икки илдиздайн,
Белбоғин боғлаб турган
Элимга бир сўз дейин:
Ўзбекистон деган юрт,
Кўнглимиз мулкидадир.*

*Дунёни сўраб ётган,
Бешиқларинг кўп эди.
Улуғларинг ташрифига —
Оқиқдир, кенг йўл энди.
Чанғиб кетган йўларда
Қанча жон ўтдай ёнди.
Бир ёруғ кун орузи,
Боболар илкидадир.*

*Кўшқанот боғлаб учса,
Парвона аввал осмон.
Эл қўллаб-қувватласа,
Ҳақиқат мушук эсон.
Яхшилик бўлди омон,
Эзгулик бўлди эсон,
Шуни ҳам билмаганлар
Доимо кўлгудадир.*

*Ким хурсанд — юрганига,
Ким эса, кўрганига.
Ўзга юртлар ичиди
Шу Ватан турганига.
Хуррият эли бўлиб,
Ҳар дилга кирганига —
Бош сабаб — Мустақиллик
Мулкимиз мулкидадир.*

Ҳамид НОРҚУЛ



Шу куни Зангиота тумани марказий ўйингоҳига ён-атроф, чекка қишлоқлардан туманат одам йиғилди. Ҳамма-нинг юзида табассум, қалбида фахр. Байрам тонгидан кекса фахрийлар, кенг жамоатчилик учун файлини дустурдан ёзилиб, ош тортилди.

Шодиёналар туманининг барча қишлоқларида ҳам бўлиб ўтди. Байрам қатнашчилари билан учрашиб, суҳбатлашиб, уларда шўкроналик, шоду хуррамлик ифодалари намоеён бўлган-диганини гувоҳи бўлди. Болакайлар кўлгуси дилларини яратди. Саҳналарда туман маданият ишлари бўлими қошидаги ҳаваскор хонандалару ижрочи гуруҳларнинг томошалари, куй-кўшиқлари ёшу қарига бирдек қувонч бахш этди. Халқимизнинг таниқли санъаткорлари, ҳушвоз хонандаларнинг кўшиқлари шўх-шодон рақсларга уланиб кетди.

Ўсмирлар ўртасида спортнинг кураш, каратэ ва бошқа турлари мусобақаси авж олди. Томошабинлар орасидан голибликка даъвогарлар ҳам топилди.

Марказга қираверишдаги кўчанинг ўнгу сўлида ширкат ҳўжалиқлари, озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж моллари дўконларининг савдо ярмаркалари ташкил қилинди.

Бўжа туманида ҳам энг улуг, энг азиз байрамимиз кўтаринки кайфиятда нишонланди. Бунинг учун барча қулайликлар яратилиб, имкониятлар ишга солинди.

Жумладан, байрамнинг сермазмун ва файзли ўтишида тумандаги ҳўжалиқлар, корхоналар ва жамоат ташкилотлари ҳиссаси катта бўлди. Улар уюштирган давралар меҳнат фахрийлари, нуруний отахон ва онахонлар учун эҳтиром тимсолига айланди. Турли савдо расталари ташкил қилиниб, халқ амалий хўнарамдчилиги асарларидан намуналар намойиш этилди.

Саҳналарда бетакрор овоз соҳибларини ҳаваскорларнинг дилрабо куй-кўшиқлари янгради.

Бу йил туман аҳли учун ўзига хос йил бўлди. Чунки, байрам арафасида ёш илмсеварлар учун 450 ўринга мўлжалланган маиший хизмат кўрсатиш касб-хўнара коллежининг қурилиши битказилди. Қишлоқларда 5 километр масофага газ қувурлари тортилди, савдо дўконлари иш бошладилар.

Бўстонлик тумани қишлоқлари аҳолиси бу тонгни ўзгача бир қиёфада кутиб олишди. Байрам қатнашчилари чехраларида акс этган хурсандчилик, кўтаринки кайфият, улар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғудари тантаналарнинг бекаму кўст ўтишида ўзгача ўрин тулди. Давраларда қизилқоғди томошалар намойиш этилиб, кўшиқлар янгради. Савдо ярмаркалари ходимлари аҳоли учун беминнат хизмат кўрсатдилар.

Туман ҳокимлиги, ташкилотлар «тўйга тўёна билан» деган ақидага содиқ қолиб, болалар учун академик лицей, ўсмирлар учун касб-хўнара коллежи ҳамда 6 та савдо дўкони барпо этиб, фойдаланишга топширишди.

Охангарон шаҳри марказидаги Фавворалар майдони эрта тонгдан байрам иштирокчилари билан гажхум бўлиб кетди. «Хонобод» маданият ва истироҳат боғида болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази томонидан уюштирилган турли ўйинлар, кўргазмали қишлоқлар оила томошабинларни ниҳоятда қизиқтирди. Шу куни 150 нафар қариларга дастурхон ёзилди. Боқувчисини йўқотган 50 нафар болага ўқув куроллари топширилди. Шунингдек, кам таъминланган оилалардан 150 та сизга 650 минг сўмлик соғва-саломлар улашилди.

Байрамнинг асосий қисми шаҳар марказий ўйингоҳида бўлиб ўтди. У ерда спортчилар ва ҳарбийларнинг кўргазмали чикишларидан бошланган шодиёналар шаҳар маданият уйи бадий ҳаваскорлик дасталарининг концерт дастурига уланиб кетди. Ёш эстрада хонандаси Рустам Маҳмудов ижро этган кўшиқлар эса байрам шуқуҳига шуқуҳ қўшди.

Вилоятимиз барча шаҳар ва туманларида, ҳатто энг чекка қишлоқларида ҳам байрам шодиёналари кечгача давом этди.

**Жўрабк МУРОДОВ,
Равайн ЁҚУБЖОНОВ,
Шавкат ҚУЛИБОВ,
Хуршида НАЗАРОВА,
Камолитдин АСҚАРОВ,
Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбирлари.**

СУРАТЛАРДА: Тошкент туманида бўлиб ўтган байрам тантаналаридан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар

МЕН ҲАМ КИЧИК ҚАРВОНМАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳисобга олиб, устакхона кўрдик. Шу йил ишга туширамиз. Ҳали айтганимдек, мақсад фақат даромад эмас, балки, одамларнинг ўзоғи яқин бўлсин. Қолаверса, 4-5 киши ишли бўлиб, рўзгоридан тинади.

Хуллас, мен Мустақиллик билан бирга қайта туғилдим. Истиқлол шаро-

фати билан ўзлимизни англадим. Ҳаётда ўз ўрниним топдим. Бу менга куч-қувват билан бир-гача завқ-шавқ, илҳом бағишлайди. Шойрликни даво қилмайман. Аммо, энг улуг, энг азиз байрамимиз муносабати билан дилимда жўш ураётган ҳис-туйғулару шўкроналикни шеврий мисралар орқали баён этишни ис-тайман:

*Она-юртим, саждазоҳим, шарафу шон муборак,
Ун икки ёш — навқирон давру даврон муборак.
Хирмонларга сизмаган қирмизи дон муборак,
Туқин дастурхон узра ширмои нон муборак.
Юртим нонин есанлар ўзга юртга кетолмас!*

*Хирмон-хирмон пахтаси ва дони бор юртимнинг,
Дўппилию белбоғи деҳқони бор юртимнинг,
Ўқтам қизу паҳлавон ўғлони бор юртимнинг,
Юракдан қутлаб келган меҳмони бор юртимнинг.
Тадбиркор бўлса сарбон юқинг ерда қололмас!*

*Алпомиш, Барчини бор шундай маскан бор бўлсин,
Барчада илмон бўлсин, эътиқод ва ор бўлсин,
Истиқлол туғи доим бизга яловдор бўлсин,
Кўз тегмасин кўркиннга, Аллоҳ сенга ёр бўлсин.
Кўйили юрт бошига булут соя сололмас!*

*Оддий фермерман, демек, мен ҳам кичик қарвонман,
Барча фермер қатори ўзинангга ўғлонман,
Хизматга бел боғлаган қалби ўйғоқ инсонман,
Ҳаётда армон эмас, шўкр — даври давронман.
Ўзга маскан сойлар чанқоғимни босолмас,
Қайта тугилса Бехўд сенинг кўркин чизолмас,
«Кўхнур»нинг ўзи ҳам сенга маржон бўлолмас!*

Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ,
Бўжа туманидаги «Камолот» фермер хўжалиқи раҳбари.

Диққат, болалар!

ЎН КУНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Йўл ҳаракати қоидаларини нафақат ҳайдо-вчилар, балки ҳаракатланганининг барча иштирокчилари учун ҳам таълимқилиб, Афсуски, айрим йўловчилар бунни унутиб қўймоқдалар. Йўл ҳаракатида кўнчилиқни ташкил этувчи пиёдалар, айниқса, болаларнинг белгиланган қоидаларга риоя этмас-ликлари автотомобил йўлларида кўнчилиқ ҳодисаларга олиб келаяпти.

Болаларнинг йўл қоидаларини кўпол равишда бузишлари, эҳтиётсизлиги ва интизомсизлиги йўл-транспорт ҳодисаларининг кескин охиб кетишига сабаб бўлмоқда. Кўпинча улар барвақт ҳаётдан кўз юмишяпти ёки турли тан жароҳатлар олишяпти.

Фуқароларимизнинг ҳаётини сақлаб қолиш, улар билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини самарали ташкил этиш, ҳаракат иштирокчилари ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида вилоятимизда 2-12 сентябрь кунлари «Диққат, болалар!» ўн кунлик тадбири ўтказилмоқда.

Бунда қатор идоралар, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси, хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Асосий

этибор болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, кўпол қоидабузарликларга чек қўйиш, серкатив ҳодисаларнинг кескин охиб кетишига сабаб бўлишига йўлларда қатновчи йўловчиларнинг эътиборини қўйишга қаратилган.

Шу кунларда корхона ва ташкилотларда, мактаб ва маҳаллаларда ҳаракатланши хавфсизлиги, йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаби ва оқибатлари тўғрисида суҳбатлар уюштирилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси болаларнинг, шунингдек, катталарнинг ҳам саломатлигини, ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган.

**Исроҳўжа САЙДИКАРИМОВ,
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг катта ноизири.**

Истеъмолчи

Вилоят ҳокимлигида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вилоят кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кенгаш таркибига кирувчи бошқармалар бошлиқлари иштирок этдилар. Йиғилишда вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи, Кенгаш раиси Боймурод Улашов бошқарди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда

ТАҲЛИЛ ЭТИЛИБ, ЧОРА КЎРИЛМОҚДА

вилоят Адлия бошқармаси адвокатлик идораларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят бирлашмаси билан ўзаро ҳамкорлик борасида амалга оширилган тадбирлари ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг вилоятдаги мухтор вақили томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятининг асосий йўналишлари, халқаро молия ташкилотларининг грантларини жалб этиш ва бошқа қатор масалалар муҳокама этилди.

Маълумотларга назар ташласак, ўтган қисқа муддат ичиде Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Кўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши самарадорлигини ошириш ва таҳлил қилиш, қонун ҳужжатларини амалга ошириш механизмининг яратилиши ва амалиётда қўлланилишини такомиллаштириш бўйича маъ-

лум тадбирларни амалга оширилганлиги, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Кўмитаси билан Кўмита ва унинг ҳудудий органлари қошида Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, Республика федерациясининг ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш кўлаб-қувватлаш мақсадида маҳсус жамғарма ҳам ташкил этилганлигини таъкидлаш лозим.

Лекин, республикада жумладан, вилоятимиз ички истеъмол бозорларида истеъмолга яроқсиз ишлаб чиқарилган товарларни ва маҳсулотларни сотиш ёки яроқсизлиқ муддати, ишлаб чиқариш санаси кўрсатилмаган ёки яроқсизлиқ муддати ўтиб кетган товарларни ишлаб чиқариш ва қабул қилиш, сотиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Ўтган 2002 йил давомида 24 та шикоят-ариза келиб тушган бўлса, 2003 йилнинг 1-ярмида аризалар 33 тани ташкил қилиди, 73 фоизга

ўсганлиги кузатилади. Келиб тушаётган шикоят-аризаларни хусусиятларига қараб гуруҳларга бўлса, аксарияти коммунал хизматлардан фойдаланиш, электр тармоқлари ва бошқа қолган соҳалардан норози бўлиш ҳолатларидир. Шунга қарамай вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасида вилоят аҳолисинан келган шикоят-аризаларни ўрганиб, таҳлил қилиб, тегишли корхона, ташкилотлар билан иш олиб бормоқда.

Бошқарма томонидан

2003 йилнинг 1-ярми йилигида жами саккизта қонун бузилиши ҳолатлари бўйича тўпланган ҳужжатлар чора қўриш учун тегишли органларга юборилди. Бундан ташқари, бошқарма томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг руҳсатида асосан ўтказилган 25 та текширишлардан 23 тасида қонунбузилишлар аниқлангани ва энг ачинарлиси 23 тасидан 5 ҳолатда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини кўпол равишда бузилганлиги маълум бўлди.

Йиғилишда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида ҳам фикрлашиб олинди ва қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

95-модда. Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибиде уларнинг нормал фаолиятига таъхид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган иштилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта...



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Парламентни тарқатиб юбориш — унинг ваколатлари тугамасдан олдин янги сайловлар белгиланганига парламент фаолиятининг тўхталишидир.

Конституция ёки қонунларда кўрсатилган асосларда қонун чиқарувчи вакиллик органи сайловчиларнинг фикрини ифода эта олмай қолганда йўл қўйлади.

нинг Конституцияси катъий чекланган ҳоллардагина йўл қўяди. Тарқатиб юборишга асос бўладиган муайян вазиятлар белгиланган бўлганда...

иккинчидан, Олий Мажлис бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилганда;

учинчидан, тарқатиб юборишга Конституциявий суднинг розилиги бўлганда.

Демократик тузумдаги парламентни тарқатиб юбориш институти учун икки томонлама ўзаро юридик алоқа ҳосил:

Шу билан бирга, 95-модданинг 2-қисми Олий Мажлисининг тарқатиб юборилишини чекловчи қоидалар ҳам белгилаб қўйган.

Эргаш САЙИТОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошчилигининг ўринбосари, иккинчи даражали адлия маслаҳатчиси.

ҲОСИЛ ЧЎҒИ

Йил бошида, эрта баҳорда иқлимнинг инжиқ келиши, қўшилмагандаги ёғингарчиликлар соҳибкорлар учун ҳам бирмунча ташвиш келтирди.



маев, Муслим Парпиев, Захро Расулова каби боғбонлар уларига бириктирилган олмазорларда шигил ҳосил тўплашга эришмоқдалар.

Улар уларига бириктирилган 45 гектар майдондаги узумзорларнинг қатор ораларини уз вақтида юмшатиб, бегона утлардан тозалашди.

— Токзорларимизнинг асосий қисмида баянширнинг навли винобоп узумлар етиштирилмоқда, — дейди Мақсуда Ҷамоатова.

Мева етиштирувчи пудратчилар олиб бораётган ишлар ҳам самарали натижалар бермоқда.

Бог айлиниб, ҳужаликнинг шинамгина шийпони олдиде тўхтадик.

«Обод маҳалла» дастурининг бажарилишига далааларда ҳам амал қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Усмон БЕК.

Шифокор маслаҳати ЙОД ТАНҚИСЛИГИ НИМА?

Бугунги кунда йод танқислиги нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки жаҳон халқлари ўртасида ҳам кўп учрамоқда.

Йод танқислиги ҳолати инсоннинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этади.

Янги туғилган чақалоқлар ва бир ёшгача бўлган гўдаклар учун меъёр 50 мкгдан ошмайди.

2-6 ёшли болалар 90 мкг миқдорда йод истеъмол қилиши етарли.

Ҳомилалар ва эмизикли аёллар учун эса 200 мкг йод қабул қилиш саломатлиқни яхшилаб боради.

Эндемик бўқоқ ақлий заифлик, кар-соқовлик, ҳаракатнинг бузилиши билан белгиланади.

Ушбу хасталикни бартараф этиш учун ҳар кун таркибиде йод бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиб туришимиз керак.

Республикада етиштирилган мева, сабзавот ва гўшт маҳсулотлари, хурмо, ёнғоқ, олма, помидор, картошка, сабзи, пиёз, нўхат, мош, гуруч, мол ва қўй гўшти, балиқ, туҳумларни истеъмол қилиш керак.

Ҳар йили икки мартаба эндокринолог кўригидан ўтиш йод танқислигининг олдини олишда муҳим ўрин тутайди.

Йод танқислиги боис Ер юзиде 43 миллион инсон ақлий ва жисмоний заифлик, 11 миллион киши эса кретинизмдан зарар кўрмоқда.

Шундай экан, келинг, ўзимизнинг соғлиғимизни ўзимиз назорат қилиб, йод танқислиги ҳолатининг олдини олиш учун биргаликда курашайлик.

Фарида КОМИЛОВА, Саида ЮНУСОВА, республика «Саломатлик» институти Тошкент вилояти филиали услубчи-шифокорлари.

Таассуф

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ НЕГА БУЗИЛМОҚДА?

Сир эмаски, ҳозирги пайтда коммунал хизмат соҳаларида сезиларли нуқсонлар учраб турибди.

Республикаимиз ҳудудиде электр қувватини истеъмолчиларга етказиб бериш хизмати бажарувчи корхоналар табиий монополия субъектлари ҳисобланади.

«Тошкент электр тармоқлари» очик акционерлик жамиятида шу қонун талабларига риоя этилиши, истеъмолчиларга сифатли электр таъминоти хизматини таъминлаш борасида текширишлар ўтказди.

қазилиб берилган электр қуввати учун белгиланган имтиёздан кўз юмилган ҳолда 662,5 минг сўм ноқонуний маблағ ундирилган.

Кибрай, Паркент туманлари электр тармоқлари бўлимларида ҳам бундай камчиликларга йўл қўйлаётганлиги аниқланди.

Биз бу билан фақат электр қуввати етказиб берувчи корхона камчиликларини кўрсатиб бериш ниятида эмасмиз.

3. МАМАТОВ, Тошкент вилояти Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари.

А. БОЛҒАБОВ, бош тафтишчи.



СОЛИҚЧИЛАР ЯНГИ БИНОДА

Мустақиллик байрамининг 12 йиллигига кўлаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.

Бинони тўла таъмирдан чиқаришда тумандаги «Ишонч» фермер ҳужалигининг қурувчилари жадал меҳнат қилди.

СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнга) Икромжон Маҳжумов, Малоҳат Турсунбоева ва Алишер Егамовлар инспекциянинг фаол ходимларидан ҳисобланадилар; солиқ инспекциясининг янги биноси очилиш маросимидан лавҳа.

ДИҚКАТ! ДИҚКАТ! КИМОШДИ САВДОСИ

Юқоричирчиқ туман суди биносида 2003 йил 3 сентябрь соат 11.00 да кимосҳди савдоси ўтказилади

Кимосҳди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нарҳнинг 10 фоиз миқдориде тўлов тўлашлари лозим.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИДА

2003 йил 22 август куни бўлиб ўтган кимосҳди савдосиде Паркент тумани, «Гулбоғ» ширкат ҳўжалиги ҳудудиде жойлашган сатҳи 400 кв.м.дан бўлган 29 та ер майдони жами 21135000 сўмга сотилди.

2003 йил 27 август куни бўлиб ўтган кимосҳди савдосиде Юқоричирчиқ тумани ҳудудиде жойлашган сатҳи 400 кв.м.дан бўлган 2 та ер майдони жами 130000 сўмга, Куйичирчиқ туманида жойлашган сатҳи 600 кв.м.дан бўлган 7 та ер майдони 595000 сўмга сотилди.

2003 йил 27 август куни бўлиб ўтган биржа савдолариде Оқангарон шаҳар

ва Бўстонлик, Кибрай, Оққўрғон туманлари ҳудудиде жойлашган жами 4 та нодавлат кўчмас мулк объектлари 108142000 сўмга, Кибрай туманидаги қурилиши тугалланмаган цех биноси 2800000 сўмга сотилди.

2003 йил 29 август куни бўлиб ўтган биржа савдолариде Кибрай, Куйичирчиқ, Тошкент туманлари, Чирчиқ шаҳар ҳудудидеги жами 7 та нодавлат кўчмас мулк объектлари 194068030 сўмга сотилди ва Кибрай туманида жойлашган жами 9 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари 3495000 сўмга сотилди.

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2003 йил 8, 15, 22, 29 октябрь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги кимосҳди савдоларига таклиф этади.

«СЕМУРҒ-2003»

Шу йилнинг 4-10 сентябрь кунлари Тошкент вилоятининг Сойлик кўрғондаги оромгоҳда "Семурғ-2003" халқаро ёшларнинг анжумани бўлиб ўтади. Мазкур тадбирни Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти уюштирди.

Унда республикамизнинг барча хулуларидан жамиятнинг эллик нафар фаол кўнгилчилари, шунингдек, Швейцария ва халқаро Қизил Хоч кўмитаси ҳамда Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари халқаро федерацияси вакиллари иштирок этади.

Ушбу анжуманинг асосий мақсади, кўнгилчиларни мазкур ташкилот ишларига алоқадор фаолиятга ўқитиш, ўзаро тажриба алмашиш, янги технология ва услубларни ўрганишдан иборат. Оромгоҳдаги машғулотлар кичик гуруҳларда ўтказилиб, иштирокчилар маърузалар пайтида ўрганган илмларини амалда синаб кўришади. Хар бир кун маълум бир мавзуга бағишланади. Ёшлар ташкилотларининг тақдими, кўнгилчилар ва уларнинг етакчилари фаолияти, ОИТС касаллигига чалинганларга толерант муносабат, гиёҳвандлик ва силга қарши курашиш, инсонпарварлик гоёларини ёйиш мавзулари шулар жумласидандир.

Кенгайтирилган дастурда энг яхши лойиҳа ва дастурлар танлови кўзда тутилади. Анжуманинг хорижий иштирокчилари эса Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари билан танишади.

Ёшларнинг бундай тадбирлари анъана тусига киради, кўпгина мамлакатларда ўтказилмоқда. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари федерацияси бугунги кунда 97 миллион кўнгилчиларни, 190 мамлакатдаги миллий жамиятлар аъзоларини ўзида бириктиради. Улар ўз фаолиятини ҳар қандай таъминоти, кўрмаслик, холислик, мустақиллик, кўнгилчилик, бирлик ва умумийлик тамойиллари билан олиб боради.

«Туркистон-пресс».

Мулоҳаза

ЖАҲОНГА ЙЎЛ

мактаб, ўрта ва олий ўқув юртлари ҳамда маҳаллаларда болалар ва ёшлар учун яратилаётган спорт иншоотлари ва ўйингоҳларидан бошланади

Мустақиллигимизнинг ўн икки йили давомида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш ва арзиғулик ютуқлар билан республикамизни жаҳонга танитиш борасида катта ишлар қилинди десак, муболаға бўлмайди. Ўтган ўн икки йил вилоятимиз спорт тарихида ҳам ёрқин ва ўчмас из қолдирди. Унлаб спортчиларимиз жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва бошқа турли даражадаги спорт мусобақаларида иштирок этиб, ўзларининг кўп қабил олтин, кумуш ва бронза медалларини тақдим этишди.

Катта спорт изидан қадам-қадам бораётган болалар спортининг ривож бугунги кунда тамомила янги босқичга кирди. Бу аввало, спортга ҳукумат берилганлигида кўринади. Айниқса, ёш авлоднинг келажаги учун катта аҳамият касб этаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» мусобақаларининг ташкил этилиши юртимизда спортнинг аҳамиятини янада теран англаш, уни чуқурроқ ҳис этиш имконини берди. Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақалар ёшларнинг барча қатлами ни қамраб олиб, спортни уларнинг кундалик эҳтиёжига айлантирмоқда. Шу орқали ёшларимизнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ўсиб улғайишига хизмат қилади.

2002 йили Фарғонада бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг республика босқичида ўқувчиларимиз 4-ўринни эгаллаб қайтишган. Бу йил эса Хоразм воҳасида бўлиб ўтган мусобақаларда уларга 9 та олтин, 11 та кумуш ҳамда 3 та бронза медали насиб этди. Вилоят спортчилари айна кунларда навбатдаги мусобақага ҳозирликни кенг кўламда бошлаб юборишган. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари туртки бўлиб, турли халқаро турнирларда иштирок этган ўқувчилар ҳам талайгина. Испанияда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро турнирда зур муваффақият билан қатнашган Муяссар Ортиқова, Алмати шаҳрида теннис бўли-

ча очик турнир ғолиблигига эришган, йирик халқаро ва минтақавий мусобақалар-у, мамлакат биринчиликларида кучли рақиблар устидан галаба қозона бошлаган юрчи-чирчиқлик стол теннисчилари ҳам умидли спортчилар жумласидандир. Ушбу теннисчилар Венгриянинг Тишувори шаҳрида ўтган ўсирилар жаҳон спорт фестивалида ўз маҳоратларини намойиш этиб, финалга йўлланмани кўлга киритишган. Агар МДХ ва Болтиқбўйи давлатларида бўлиб ўтган «Баркамол авлод — 2001» спорт мусобақаларининг финал босқичига чиққан бўлса, улардан уч нафари вилоятимиз вакиллари эди.

Мактаб ўқувчилари сингари академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқув-

чиларининг ўзларига яраша мавсумий ширин ташвишлари бор. Бу ҳар икки йилда бир марта ўтказилувчи «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида иштирок этишди. Улар доимий орзиқиб кутаётган, ойлар давомида тайёрларлик кўришадиган ушбу мусобақалар ҳам ўз мавқеига эгадир. Шуниси қувончлики, ушбу мусобақада спортчиларимиз кўрсаткичи юқори. Улар йилдан йилга муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Жаззаҳда бўлиб ўтган «Баркамол авлод — 2001» спорт мусобақаларида 75 нафар вакилимиз 11 та олтин, 22 та кумуш ҳамда 25 та бронза медалини кўлга киритиб, учинчи ўринни эгаллашган. Бу ютуқ

вилоятимизда спорт мусобақаларига талаб даражасида тайёрларлик кўришмоқда, унда иштирок этишга вилоят ўқувчилари орасида қизиқиш ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Жаззаҳдан учинчи ўрин билан қатнашган вакилларимиз бу йил водий томон катта умид билан йўл олишди ва ютуқларни янада мустаҳкамлаб совришни иккинчи ўрин соҳиб бўлишди.

Этироф этиш жоизки, олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада» мусобақаларида вилоятимиз вакиллари эришган натижалар қувонarli бўлмади. Бундан қатъи назар майдонга ташаётган хар бир иштирокчи зафар қозониш учун бор куч-имкониятини сафарбар этишга ҳаракат қилаётгани билан диққатга сазовордир. Вакилларимиз ҳам вилоят шарофати муносиб ҳимоя қилиш мақсадида ўз маҳоратларини йил сайин ошириб бормоқдалар. Мазкур мусобақалар фақат жисмоний эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам ёшларимиз тарбиясида муҳим воситага айланиб бормоқда.

Бугун вилоятимизнинг қай гўшасига борманг, спортни оммавий ҳаракатга айлантириш йўлида иш олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу эса, фарзандларимиз ўз қобилият ва истеъдодларини тўла намойиш этишлари учун ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар, Ватанимизнинг салоҳияти ва эртанги кунига бўлган ишончи ортиб бораётганлигининг ўзига хос ифодасидир.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАР ВАТАН»

Ўзбекистон Бадиий академиясининг замонавий санъат марказида «Маҳалладан бошланар Ватан» мавзусида республика бадиий кўргазма-танлови очилди.

Кўргазма Истиклолимизнинг 12 йиллиги ҳамда «Обод маҳалла йили»га бағишланди, — деди санъатшунос Саида Илхомова — Кўргазма-танлов ташкилотчилари Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий кўргазмалар дирекцияси ва Миллий Банк галереяси тўпламларидан ўрин олган 500га яқин рангташвир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари, шунингдек, ўзбек рассомларининг танловга тақдим этган янги асарларини намойиш этишмоқда.

Санъатшунос С.Илхомованинг таъкидлашича кўргазмага республикамиз ва Қорақалпоғистонда ижод қилаётган рассомларнинг асарлари қўйилган. Ўзбек таърифи санъатининг мумтоз вакиллари — П.Бенков, У.Тансиқ-

боев, А.Абдуллаев, Н.Курзин, Р.Аҳмедов, Н.Қашина ва бошқаларнинг этюд ва картиналари кўргазмага алоҳида шуқу бағишланди.

Ю.Талдиқиннинг «Шоҳимардондаги чойхона», А.Бойматовнинг «Ургут келинлари», Б.Бурмакиннинг «Бойсун мадоннаси», Ф.Ахмаддиевнинг «Маҳалладон», Ж.Умарбековнинг «Қўқон атрофидаги чойхона», А.Нуридиновнинг «Тонг» каби асарларида маҳалланинг бугуни ва эртиси, инсонлар тақдирини ҳамда ўшунинг ҳаёт тўлалигига ёритиб берилган.

«Туркистон-пресс».

Масал

ТАРКИ ОДАТ

Пашшалар ўз одадлари бўйича қосадаги асалга ҳужум қилдилар. Ҳолвагар уларни асалга яқинлаштирмалик учун хар қанча ҳаракат қилса ҳам, пашшалар писанд қилмадилар. Уларнинг баъзилари қосанинг лабларига, баъзилари қосанинг ичига қўниб, асалдан тановул қила бошладилар. Бозор бўлган ҳолвагар қосанинг устини ёпиб қўйишга ҳаракат қилган эди, қоса лабларига қўниб ўтирган пашшалар беозор учиб кетдилар, лекин қосанинг ичига, асал устига қўнган пашшалар оёқлари билан асалга яна ҳам кўпроқ ботиб қолиб, уюлмай ҳалокатга учрадилар.

Пашшаларнинг бу ахволи қаноатли одамлар билан таъмағир, кўзи тўймаган одамларнинг ҳолига жуда ўхшайди.

К. ЭҒАМБЕРДИЕВА, тайёрлади.

Шундан кейин...

ИЛТИЖО ИЖОБАТ БЎЛДИ

Шифокорлар хинду аёли Моника Берсиданинг инақ соҳасида катта ёмон ҳислатли шеш топиди. 34 ёшли аёлини қаттиқ оғриқлар қийнаб, тузалишга умуман умид қолмаган эди. Лекин, ҳақиқий эҳтидоқ мўъжиза яратди олар экан.

Қачонлардир Тереза она Моникага оддийгина алюминий медальон туҳфа қилган экан, аёл тинмай кечаю кундуз бу буюқ рибзат чекувчи онага илтижо қилиб, ўзига шифо сўради. Берсида, ҳатто, мўқаддас туморни оғриётган ерига босиб ҳам этган... Шу чоғ аёл бирданги дарддан халос бўлган, аникроқ айтадиган бўлсак, шеш ном-нишонсиз йўқолиб қолган. Беморнинг касаллик варақасини ўрганиб чиққан шифокорлар бир овоздан бу ерда ғайриоддий кўлар аришганлигини айтишган.

ЎЙҚУСИЗЛИК АЗОБ

Ўйқусизликдан қийналиб, асабларингиз таранг тортилиб, азобланыпсизми? Бу босиб турадиган «юк»дан қандай қутулиш мумкин? Албатта, маъза қилиб ухлаб олиш билан, деб айтарсиз. Бунинг устига кўнгилочар, ажойиб тушлар кўрсангизчи, чарчоғингиз дарҳол тарқаб кетиб, ўзингизни енгил ҳис қиласиз. Булар бари хомхаёл деярликдирсиз. Йўқ, адашпасиз. «Буюртма» тушлар кўргазмадан асосбин борлиги аниқ ҳақиқат. Уни академик, ёки бирон фан доктори, профессор эмас, балки, Москвадаги кишлоқ ўқувчи университетининг механизациялаштириш факультети талабаси, 20 ёшли Александр Ильинский кашф этди.

Мўъжизавий асосбининг ишлаш усули ҳам унчалик мураккаб эмас: ароматерапия, гипноз ва миқоз бююртирдан дастур, холос. Александрнинг дўстлари бу усқунанинг ғаройиб таъсирини синаб кўришди. «Ажойиб нарса экан, — дейишди талабалар. — Энди имтиҳонлар топширишда ҳам унчалик қийналимаями, умуман, кайфиятимиз яхшиланиб, ўзимизни тетик ҳис этаймиз».

Ильинский ўз кашфиёти имкониятларини янада такомиллаштириш устида ишларини давом эттирмоқда.

«Ўзмевабазавотузумсаноатхолдинги» компаниясининг «Замин шарбатлари» хўжалик ҳисобидидаги савдо бошқармаси иш фаолияти тугатилиши сабабли эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой ичида қабул қилинади.

Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йўлига жамоеси Хонобод қишлоқдаги Номда-нак маҳалласи оқроғли Турдубеги Назомовга умр йўлдоши Рисолат ая НАҲИМОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уйда жойлашган «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

компанияси ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 3 октябрь кун соат 11.00 да холдинг компанияси мажлислар залида ўтказилишни маълум қилади. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 3 сентябрь ҳолатига кўра тузилди.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.03 й ПФ-3202 сонли фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 19.04.03 й. 189-сонли қарорига асосан «Ўзмевабазавотузумсаноатхолдинги» компанияси устоғига ва қузотув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижро органи тўғрисидаги низомларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда акциядорлик жамияти ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш тўғрисида.
2. «Ўзмевабазавотузумсаноатхолдинги» компаниясининг янги устав фондини тасдиқлаш.
3. «Ўзмевабазавотузумсаноатхолдинги» компанияси бошқаруви аъзолари ва қузотув кенгаши аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.
4. «Ўзмевабазавотузумсаноатхолдинги» компаниясининг қузотув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
5. «Ўзмевабазавотузумсаноатхолдинги» компаниясининг тафтиш комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
6. «Ўзмевабазавотузумсаноатхолдинги» компаниясининг бошқаруви таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
Умумий йиғилишни ўтказишга доир ҳужжатлар билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 144-49-93, 144-49-96. Қузотув кенгаши.

Буни ҳаёт дейдилар ҚАЙТАР ДУНЁ

Мен ишлайдиган мактаб таникли сўз устаси Хусан ака Шарипов яшайдиган маҳалла худудига жойлашган. Хусан ака билан мактабда ўтказилган тадбирларда учрашиб турадим. Шундай учрашувлардан бирида у киши бошларидан ўтган бир воқеани гапириб берди.

— 1963 йилнинг баҳори. Бутун олам тароватдан яшарган. Атроф мунаввар, нурга тўлган. Мана шундай паллада ижодий гуруҳимиз билан гастрол сафарга отландик. Бирок, йўлга чиқшимиз олдида мен фарзандли бўлдим. Нақадар бахтиёрман! Мен ҳам «ота» деган улук зотлар қаторига қўшилдим. Қўзларимда севинч, қалбимда оталик хисси жўш урган. Сафарга бордик. Қувончим ичига сиймайди. Қаноатим бўлсаю, тезроқ уйга ўчсам. Шодлик ва ҳаяжон билан сафар қандай ўтганини ҳам билмай қолибман. Қайтади-



Дилором УМРИЛЛАЕВА.

ган кунимиз дўконларга кириб, жажжи ўғилчамга совға-саломлар олдим. Албатта, бизга ўғил ҳади қилган аёлнимиз ҳам эсдан чиқмади.

Йўлга чиқдик. Энтикан хаёлларим билан уйга қайтар эканман, севинганимдан киприкларим ўзимга бўйсунмади. Поезд ҳам имиллаб юраётгандек туюларди. Полапонимни қўлимга олиш, уни суйиб эрқалаш нақадар бўлса. Бу бахтимдан шукроналар ўқийман.

Уйга келдим. Жомадонни шундоққина йўлакка қўйдиму, ўғилчам олдида талпиндим. Уни кўтариб, бағримга босдим. Чарчаган эмасманми, бироз мизғиб олай, деб ётоққа кириб кетдим. Икки соатча ухладимми-йўқми билмадим, ўрнимдан туриб, онамининг олди-ларига чиқдим. Онажоним мен қанчалик ўғлимнинг олдига ошқан бўлсам, улар ҳам менинг сўхбатимга шунчалик интиқ бўлиб ўтирдилар. Бир пайла чой ичган эдим ҳамки, хотиним болани кўтариб олдимизга келди. Шунда онам:

— Болажонимни менга берингда, жомадонни олиб келинг. Дадаси бу дўбобимга нималар олиб келганини кўрайлик-чи, — деб қолдилар.

Юрагим ҳарпикит кетди. Нахотки, онамин унутдим. Унинг масъум кўзларига тикилар эканман, ёшлигини, гўзаллигини, бизларга ҳади этган, ўгли меҳрини бизларга, тўрт фарзандига бағишлаган, меҳнат қилиб, қадок бўлган кўллари билан бизларни оқ ювиб, оқ тараган онажонимни нахотки унутдим?! Мен фарзандимга қанчалар талпинган бўлсам, мени шунчалар интиқ бўлиб,

кутиб ўтирган онажонимни унутибман-а!

Хотиним жомадонимни олиб келди. Очиб ичидан совғаларини бирмабир ола бошлади. Онамга бир кийимлик мато олиб берди. Севинчдан кўзлари ёшланган онам мени узундан-узук дуо билан сийлаб кетди. Мен хижолатдан нима дейишни ҳам билмай қолдим. Хотиним Хатиранининг оқиллигига, зукколигига яна бир бор тан бердим.

Бу дунё чархи айланаверар экан. Ота-боболаримиз бекорга бу дунёни қайтар дунё деб атамаган эканлар. Бизнинг сочимиз оқариб, пешонамизга ажин тушди. Фарзандларимиз воғга етди. Ўғлим уйланди, хизмат юзасида сафарга кетди. Қайтиб келганида жомадонини худди ўша жойда, бир вақтлар мен кўйган йўлакда қолдирди. Айвонга сўхбатлашдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Хатирани келинга қарата худди онам айтган гапларини айтди. Шу пайт нигоҳим ўғлимга тушиб қолди. У негай-сизлана бошлади. Бироз вақт ўтгач, келин жомадонни кўтариб келди. Очди. Не кўз билан кўрайликки, жомадондаги совғалар устида «ангорка» жемпер турарди. Келиним жемперни олиб, ҳеч нарса билмагандек қайнонасига узатди. Ўғлим эса анграйиб хотинига қаради. Мен эса ўзимни тутта олмадим. Қўзларимдан ёш сизиб кетди. Хотиним иккимизнинг орамизда жемпер эмас, гўё онам тургандек эди.

Дилором УМРИЛЛАЕВА.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Тошкент вилояти ҳокимлиги Адлия бошқармаси қуйида қайд этилган туман, шаҳарларда ўрни бўш қозғалм давлат нотариал идораларида ва таъсис этилган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимларини эгаллаш истганини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:

- 1. Давлат нотариал идораларида нотариуслик лавозимлари учун Чирчиқ шаҳрида 1 та ўрин Бекобод шаҳрида 1 та ўрин Ангрен шаҳрида 1 та ўрин
Ангрен шаҳрида (Янгиобод нотариал округига) 1 та ўрин
2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимлари учун
Зангиота тумани 1 та ўрин
Юқоричирчиқ тумани 1 та ўрин
Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.

TOHKENT ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда. Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ. Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ. Шаҳар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.